

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ  
ИНСТИТУТИ**

**“Муҳандислик коммуникация қурилиши” факультети**

**“Сув таминоти, канализация ва сув ресурсларни муҳофаза қилиш”  
кафедраси**

**401- (МКК) гурӯҳи битиравчиси**

**Муродуллаев Орифжон**

*Пишлоқ ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси бўлган  
“Теракзор” қўргонининг сув таъминоти тизимини  
лойиҳалаши.*

**Диплом лойиҳаси**

Кафедра мудири:

т.ф.н. доцент. Қ.А.Якубов

Лойиҳаси раҳбари:

т.ф.н. доцент. С.С.Сайдов

Самарқанд-2018

## **Мундарижа**

<b>Кириш .....</b>	<b>4</b>
<b>Суткалар мобайнида сув сарфларни аниқлаш.....</b>	<b>5</b>
<b>Саоатлар мобайнидаги сув сарфларни аниқлаш.....</b>	<b>9</b>
<b>Сув таъминоти тасвирини танлаш ва сув тармоғи трассировкаси.....</b>	<b>13</b>
<b>Захира ва бошқарувчи иншоотларининг сув босим минораси ва тоза</b>	
<b>Сув хавзаларининг тула хажмини аниқлаш.....</b>	<b>13</b>
<b>Сув тармоғининг ишлаш тартибини аниқлаш.....</b>	<b>17</b>
<b>Қувурларнинг материалини танлаш.....</b>	<b>17</b>
<b>Сув тармоғини гидравлик ҳисобга тайёрлаш.....</b>	<b>17</b>
<b>Ҳалқасимон тармоқнинг гидравлик ҳисоби.....</b>	<b>20</b>
<b>Сув тарқатиш тармоғи жиҳозларнинг узаро уланиши.....</b>	<b>27</b>
<b>Сув қабул қилиш иншоотлари тизимини лойихалаш .....</b>	<b>30</b>
<b>Экология қисми .....</b>	<b>37</b>
<b>Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги қисми .....</b>	<b>40</b>
<b>Интернет маълумотлари .....</b>	<b>44</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар.....</b>	<b>46</b>

## **КИРИШ.**

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий бозор ислоҳотларини такомиллаштириш ва амалга ошириш ҳамда мамлакат салоҳиятини юқори даражага кўтаришда Олий таълим тизими олдига юқори малакали ва замонавий, рақобатбардош, талабаларга жавоб берадиган мустаҳкам назарий ва амалий билимларга эга бўлган мутахассислар тайёрлаш вазифасини қўяди.

Ўзбекистон Республикасининг сув хўжалигини ривожлантириш, табиатни қўриқлаш ва асрар, экологик ҳолатини сақлаб қолиш ва яхшилиш ҳамда аҳолисини соғломлаштиришда сувнинг моҳияти каттадир. Республикада саноат ва қишлоқ хўжалигининг юксалиши, аҳоли турмуш шароитининг ўсиши, шаҳар ва қишлоқларнинг ободонлашиб бориши ичимлик сувига ва унинг сифат кўрсаткичларига бўлган талабларни ҳам ошириб боради.

Натижада сув таъминоти ва канализация хўжалиги мутахассислари олдига, сув қабул қилиб олиш, уни тозалаш ва узатиш иншоотларини янгисини лойихалаш, кенгайтириш, эскиларини қайта қуриш ва такомиллаштириш, сув таъминоти қувурларининг мустаҳкамлиги ва самарадорлигини оширишдек муоммоларини ечишдек долзарб вазифаларини қўяди.

Сув таъминоти бир-бирига узвий боғланган манбадан сувни қабул қилиб олиш, талаб қилинган масофага ва баландликка кўтариб бериш, уни тозалаб сифатини яхшилаш орқали аҳоли, саноат корхоналари, транспорт ва шу каби бошқа истеъмолчиларни сув билан таъминлаш иншоотларининг мажмуидир.

Бундан ташқари бизнинг диплом лойиҳамиизда:

- иккинчи босқич сув кўтариш ва узатиш насос станциясидан сув тармоғигача бўлган босимли сув ўтказгичлар ва тармоқ сув қувурларини лойиҳалаш;
- сув таъминоти тизимининг шартли тасвирини танлаш ва қўрғон сув тармоғининг йўналишини белгилаш;
- сув тармоғи халқаларини гидравлик ҳисоблаш;
- сув истеъмоли графигини қуриш, насосларни танлаш, сув босим минораси (СБМ) ва тоза сув ҳавзаларнинг (ТСХ) тўлиқ ҳажмини ҳисоблаш ва бошқа талабларни бажаришдан ташқари, тармоқнинг мустаҳкамлигини оширадиган ва иқтисодий сарф-харажатларини камайтиришга олиб келадиган вазифалар ҳам ишлаб чиқилган.

## **СУТКАЛАР МОБАЙНИДА СУВ ИСТЕММОЛИ САРФИНИ АНИҚЛАШ.**

“Теракзор” қўрғонининг сув таъминоти тизимини лойихалаштириладиган обьектларда асосий истеъмолчилар 4 турга бўлиниб қўйидаги мақсадлар учун ишлатилиди.

1. “Теракзор” қўрғони ахолисининг хўжалик ичимлик мақсадларида;
2. Саноат ва хизмат қўрсатиш корхоналари, ишлаб чиқариш ва улардаги ишчиларнинг ичимлик мақсадларида;
3. Ободонлаштириш, дараҳт ва гулзорларини суғориш ва кўчаларга сув супиш мақсадида;
4. Ўт ўчириш, эҳтимоли мавжуд бўлган ёнғинларни ўчириш мақсадида

Демак, сув тарқатиш тармоғи бир вақининг ўзида барча истеъмолчилар талабларини қондириши ва куннинг ихтиёрий вақтида сув беришнинг узлуксизлиги бўйича ишончлигини таъминлаши зарур.

Топшириқда берилган “Теракзор” қўрғоннингнинг бош режасига асосан турар жой, кўчалар ва дараҳт гулзор майдонларидан иборат умумий майдонлари аниқланади. ҚМҚ талабларига кўра шаҳар жойларида кўчалар ва дараҳт гулзорлар аҳоли яшаш кварталлари майдонига нисбатан мос равишда 12 % ва 17 % майдони ташкил этиши керак. Майдон юзалари ўлчов бирлиги, топшириқдаги аҳоли зичлиги ўлчов бирлигига мос келиши мақсадга мувофиқдир.

Йил мобайнида ўртача бир суткада аҳоли хўжалик истеъмолига сарфланадиган сувнинг миқдори қўйидагича аниқланади:

$$N = F \times P = 111 \times 380 = 42214 \text{ одам}$$

Бу ерда  $q_M$ - ўртача бир суткада бир одамга тўғри келадиган сув истеъмоли меъёри, л/сут. “Курилиш меъёрлари ва қоидалари” (ҚМ ва Қ 2.04.02-97) қўрсатмасига асосан 1- жадвалдан олинади.

Шу асосда суткалар мобайнида энг кўп (максимал) ва энг кам (минимал) аҳоли истеъмоли сув сарфи миқдорлари ҳам топилади:

$$Q_{cym}^{max} = \frac{N * q_M}{1000} * K_{cym}^{max} = 16885,76 * 1,2 = 20262,91 \text{ м}^3/\text{сут} ;$$

$$Q_{cym}^{min} = \frac{N * q_M}{1000} * K_{cym}^{min} = 16885,76 * 0,8 = 20262,91 \text{ м}^3/\text{сут}$$

Бу ерда:  $K_{cym}^{max}$  ва  $K_{cym}^{min}$  - мос равишда суткалардаги энг кўп ва энг кам сув истеъмоли тенг тақсимланмаслик коэффициенти.

Тенг тақсимланмаслик коэффициентлари қўрғон ахолисининг турмуш тарзига ва унинг ободонлаштириш даражасига ва қўрғоннинг иқлимий шароитига боғлиқ бўлиб ҚМваҚ қўрсатмасига биноан қўйидаги қийматлар оралиғида қабул қилинади:

$$K_{cym}^{max} = 1,1 \div 1,3 ; \quad K_{cym}^{min} = 0,7 \div 0,9 ;$$

Юқоридаги ифодалар қийматини ва келтирилган күрсатмаларни хисобга олган холда суткалар мобайнида хўжалик истеъмолига кетадиган сувнинг микдори жадвал тузиш ёрдамида ҳам топиш мумкин.

### 1 – жадвал “Теракзор” қўрғон аҳолисининг суткалик сув истеъмоли сарфи.

Шаҳар туманида	Одамлар сони, N	Бирлиги	Сув истеъмоли меъёри , $q_M$ , л/сут	Тенг тақсимланмаслик коэффициенти		Суткалик сув истеъмоли		
				$K_{сут}^{макс}$	$K_{сут}^{мин}$	$Q_{сут}^{рpt}$ м <sup>3</sup>	$Q_{сут}^{макс}$ м <sup>3</sup>	$Q_{сут}^{мин}$ м <sup>3</sup>
1	2	3	4	5	6	7	8	9
Теракзор	42214	Kishi	400	1,2	0,8	16885,76	20262,91	13508,61

Ифодалар хисоблаб топилиб, жадвал тўлдирилгандан сўнг, саноат корхоналарига маҳсулот тайёрлаш учун ва шу корхоналарда банд бўлган ишчиларнинг истеъмолига сарфланадиган сув микдорларини топамиз. Бу хисобларни ҳам жадвал шаклида олиб бориш қулай.

### 2 – жадвал Қўрғондаги саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган сув микдорлари.

Саноат корхоналари номи	Сменалар сони	Чикариладиган маҳсулотнинг ўлчов бильчили	Сув истеъмоли меъёри	Сув сарфи	Ишчилар сони	Сув истеъмоли меъёри	коэффициент	Сув сарфи	Душ Сони	Душ тури	Мейёр	Сув сарфи	Сув сарфи	Сек сув сарфи	
Пишлоқ ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
	И	20	5,5	110	728	45	2,5	81,90	624	42	500	15,6	267,28	11,14	
	C				1005	25	3	75,38							
	Jami				1733			157,28							
	И	10	35	350	205	45	2,5	23,06	176	12	500	4,4	394,36	16,43	
	C				284	25	3	21,30							
	Jami				489			44,36							
	Jami	30		460	2222			201,64	800			20	661,64	27,57	

ҚМ ва Қ 2.04.02-97 кўрсатмаларига биноан “иссиқ” цехларда банд бўлган ишчиларнинг сув истеъмоли сменалар мобайнида бир ишчига 45л ва “совук” цехлардаги ишчилар учун 25л микдорида белгиланади.

Душ тўрларининг сони максимал сменада ишлайдиган ишчилар сонига ва корхонада рўй берадиган жараёнларнинг турларига боғлиқ ҳолда қуидаги ифода орқали аниқланади:

$$N_{\text{дұу}}^{\text{мұр}} = \frac{N_{\text{дұу}}}{N_{\text{ишчи}}} ; \quad \text{дона}$$

Бу ерда  $N_{\text{дұу}}$  - душ қабул қилишга эхтиёжи бўлган "иссиқ" ва "совук" цехлардаги ишчилар сони.

$N_{\text{ишчи}}$  - бир дона душ тўрига тўғри келадиган ишчилар сони.

Бу қуидаги жадвалда келтирилган кўрсатмалар ёрдамида қабул қилинади:

### 3– жадвал

#### Юваниш хонасидаги бир дона душ тўрига тўғри келадиган ишчилар сони

Т/р	Корхонадалардаги жараёнларнинг шартли санитар-гигиеник характерли кўрсатгичлари	Бир дона душ тўрига тўғри келадиган одамлар сони
1	2	3
1.	Кийим ва қўл ифлосланмайди	15
2.	Кийим ва қўл ифлосланади	7
3.	Сув ишлатиладиган ҳолда ифлосланиш	5
4.	Кўп миқдорда чанг ажралиб чиқсан ҳолдаги ифлосланиш	3

Бир дона душ тўрига бир сменада ажратилган сувнинг меъёри 500л миқдорида бўлиб, сарфланиш муддати 1соат мобайнида қабул қилинган [1]. Агар душнинг ишлаш муддатини смена тугагандан сўнг 45 минут давомида деб олсак, унда сув меъёри 375 литрни ташкил этади.

Саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш учун ва ишчилар истеъмолига кетадиган сув сарфини аниқлагандан сўнг шаҳардаги ободонлаштириш чора тадбирларини амалга ошириш мақсадида қўчалар ва дараҳт-гулзорларга сув сепиш ва суғориш учун кетадиган сув миқдорларини аниқлашга ўтилади. Бунинг учун б-жадвални тўлдириб, тегишли қийматларни ҳисоблаш йўли билан амалга оширилади.

## 4—жадвал

### Кўчаларга сув сепиш ва дарахт гулзорларни суғориш учун сарфланадиган сув миқдорлари

Т/Р	Истимол номи	Майдони	Сарфиёт меъёри л/м <sup>2</sup>	Суғоришлар сони	Сув сарфи
1	2	3	4	5	6
1	Кўчалар	13,19	1,4	2	369,38
2	Кўкаламзор	19,79	3,5	1	692,58
	<b>Жами</b>				<b>1061,96</b>

### СОАТЛАР МОБАЙНИДАГИ СУВ САРФЛАРИНИ АНИҚЛАШ.

“Теракзор” қўрғони сув тармоғи ва ундаги иншоотлари ҳисоблаш ишларида суткалар мобайнидаги сув миқдорини аниқлашнинг ўзи етарли эмас. Чунки суткадаги 24 соат давомидаги сув сарфи ҳар бир соатда ўзгариб туради. Шу сабабли шаҳар сув таъминоти тармоқларини ҳисобида ва сув истеъмоли графигини қуришда бу ўзгаришларни назарда тутиш ва энг кўп ва энг кам сув истеъмоли соатларидаги кийматларини топиш катта аҳамиятга эга.

Суткалар мобайнидаги сув сарфларини топганимиздек энг кўп ва энг кам соатларга туғри келадиган соатлар мобайнида сув миқдорлари ҳам тенг тақсимланмаслик коэффициентларини киритиш йўли билан амалга оширилади.

Хўжалик сув истеъмоли учун кетадиган энг кўп ( $Q_{coan}^{yn}$ ) ва энг кам ( $Q_{coan}^{kam}$ ) соатларга туғри келадиган сув сарфларининг миқдори куйидаги ифодалар оркали аникланади:

$$Q_{mak}^{coam} = K_{mak}^{coam} \cdot \frac{Q_{mak}^{yym}}{24}; \quad \text{м}^3 / \text{соат}$$

$$Q_{min}^{coam} = K_{min}^{coam} \cdot \frac{Q_{min}^{coam}}{24}; \quad \text{м}^3 / \text{соат}$$

Бу ерда:  $K_{mak}^{coan}$  ва  $K_{min}^{coan}$ - энг катта ва энг кичик соатлардаги сув истеъмоли тенг тақсимланмаслик коэффицентлари.

Бу коэффициентлар лойиҳадаги қўрғон учун қуйидагича топилади.

$$K_{\max}^{coam} = \alpha_{\max} \cdot \beta_{\max} = 1,3 * 1,2 = 1,5$$

$$K_{\min}^{coam} = \alpha_{\min} \beta_{\min} = 0,5 * 0,5 = 0,2$$

Бу ерда  $\alpha$  ва  $\beta$  коэффициентларининг қийматлари биноларнинг санитар-техник жихозларнинг характеристи ва сонига боғлик ҳолда КМ ва К [ I ] кўрсатмалари асосида қабул қилинади.

Соатлар мобайнида умумий сув сарфининг қийматларини топиш 7- жадвални қуриш шаклида олиб борилади.

Аҳолига соатлар бўйича сарфланадиган сув сарфлари 2.12-жадвал қийматлари ёрдамида аниқлаш мумкин. Саноат корхоналарида банд бўлган ишчиларнинг истеъмол учун керак бўлган сув сарфини («иссиқ» ва «совук» цехларда) сменадаги соатлар мобайнида 2 - иловадаги жадвалдан фойдаланиб топилади. Лойиҳада 8 соатлик иш сменаси қабул қилиниб 1- смена эрталаб 8 – дан бошланади ва «максимал» смена сифатида ҳисобга киритилади.

Душ қабули сувнинг микдори 45 минут давомида бўлиб у ҳар смена охирида сарфланади.

Кўчаларига сув сепиш ишлари механизациялаштирилган усулида олиб борилиб, икки сменада, бир хил микдорда, эрталабки соат 6 - дан ва кечки соат 17 – дан бошланиб 8 – 10 соат давомида амалга оширилади. Дараҳт ва гузорларни суғориш ҳам икки сменада, эрталабки 5 ва кечки 5 соат мобайнида, эрталабки соат 4 дан ва кечки соат 17 дан бошланиб 10 соат давом этади.

Шуни назарда тутиш керакки суғориш сув сепиш ишлари энг кам ва ўртача сув сарфи соатларига туғри келиш яхши, аммо максимал соатда бу ишларни амалга ошириш такикланади.

7- жадвалдаги ҳисоб ишлари тугатилгандан сўнг умумий сув сарфининг % ҳисобидаги қийматларига мос равишда сув истеъмолчилари ва узатувчиларнинг поғонали қўшма графиги қурилади.

## **СУВ ТАЪМИНОТИ ТАСВИРИНИ ТАНЛАШ ВА СУВ ТАРМОГИ ТРАССИРОВКАСИ**

Топшириқдаги “Теракзор” қўрғоннинг бош режасига ва сув манбасининг жойлашган ўрнига қараб сув таъминоти тасвирини яъни сув қабул қилиш иншооти, 1- босқич насос станцияси, тозалаш иншооти тоза сув ҳавзаси билан биргаликда ва 2- босқич насос станциясини танлаш керак. Шуни назарда тутиш керакки, сув босим минораси ернинг рельефига боғлик ҳолда энг баланд нуқтада ўрнатилсин. Тасвир танлагандан сўнг магистрал ва сув ташувчи қувирлар трассировка қилинади. Барча бажариладиган лойиҳа ишлари учун сув тармоғи халқа шаклида бўлиш шарт.

Магистрал қувурларнинг ер остидаги йўналиши (трассаси) қуйидагилар асосида қурилади.

1. Аҳоли, зич жойлашган районлардан, каерда сув истеъмолчилари сони кўп ва жипс бўлган ҳолда.

2. Энг катта сув истеъмолчилари (саноат корхонаси) жойлашган жойдан қисқа йўллар орқали.

3. Эркин босимни тарқатувчи тармоқларда таъмирлаш мақсадида, имконияти борича ернинг сатҳи буйича баланд жойлашдан ўтказиш.

4. Сув босим минорасини жойлашган ўрнини ҳисобга олган ҳолда.

5. Қўргондаги майдонларининг барча қисмларини бир текис қамраб олишини ҳисобга олган ҳолда.

6. Сув тармоғининг йўналиши бўйича қувур ёткизилганда гидрогеологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда.

II – босқич насос станциясидан магистрал сув тармоғигача бўлган асосий сув ташувчи қувурлар сони иккитадан иборат бўлиб тармоқнинг алоҳида – алоҳида жойлашган ҳар хил тугунларига уланиши керак.

КМ ва К [I] кўрсатмаларига биноан сунъий ва табиий тусиқлардан сув қувурларини ўтказиш учун мазкур иншоотларини лойихалаш талаб қилинади.

## **ЗАХИРА ВА БОШҚАРУВЧИ ИНШООТЛАРНИНГ – СУВ БОСИМ МИНОРАСИ ВА ТОЗА СУВ ҲАВЗАЛАРИНИНГ ТЎЛА ХАЖМИНИ АНИҚЛАШ.**

II – босим насос станцияларининг иш тартибини шундай қабул қилиш керакки насослар бир-бирига нисбатан ишлаган вақтларда сув босим минорасининг бошқарувчи ҳажми минимал бўлиши керак.

СБМ нинг бошқарувчи ҳажмини камайтириш, 2-босқич насос станциясининг иш тартибини поғонали қилиб танлаш йўли билан амалга ошириш мумкин. Унда поғоналар сони икки ёки учта қилиб олинади.

Сув босим минорасининг бошқарувчи ҳажми, сув истеъмолчилари ва 2 - босқич насос станциясининг узатиш тартиблари графигини кўриш йўли билан аниқланади.

Сув босими минораси ва тоза сувнинг ҳавзаларининг бошқарувчи ҳажмини аниқлаш учун 8- жадвални тулдирамиз. Графикдаги истеъмол, 1 ва 2 - босқич насос станцияларининг иш тартиблари суткадаги соатлар мобайнидаги қийматлари жадвалга кўчирилиб, қолдик сувнинг микдори сутка бошидаги соатлардан бошлаб аниқланади. Бу қийматалар манфий ва мусбат ишораларга эга бўлиши мумкин.

У ҳолда бошқарувчи ҳажмлари энг катта манфий ва энг катта мусбат қийматларининг арифметик йиғиндисига teng деб олинади.

**6 – Жадвал**

**Сув босим минораси ва тоза сув ҳавзаларининг бошқарувчи  
хажмини аниқлаш**

Сутка соатлари	Сув истеъмоли тартиби м <sup>3</sup>	Сув узатиш тартиби м <sup>3</sup>		Сувнинг кириши, м <sup>3</sup>		Сувнинг чикиши м <sup>3</sup>		Колдик сув, м <sup>3</sup>	
		I – босқич насос станция	II - босқич насос станция	СМБ га	ТСХ га	СМБ дан	ТСХ дан	СМБ да	ТСХ да
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
0-1.	2,00	4,17	2,9	0,90		1,27		0,90	1,27
1-2.	1,98	4,17	2,9	0,92		1,27		1,81	2,54
2-3.	1,98	4,17	2,9	0,92		1,27		2,73	3,81
3-4.	1,98	4,17	2,9	0,92		1,27		3,64	5,08
4-5.	2,91	4,17	2,9	-0,01		1,27		3,64	6,35
5-6.	3,22	4,17	4,8	1,58		-0,63		5,21	5,72
6-7.	4,14	4,17	4,8	0,66		-0,63		5,87	5,09
7-8.	5,06	4,17	4,8	-0,26		-0,63		5,61	4,46
8-9.	5,95	4,17	4,8	-1,15		-0,63		4,46	3,83
9-10.	5,97	4,17	4,8	-1,17		-0,63		3,28	3,2
10-11.	5,97	4,17	4,8	-1,17		-0,63		2,11	2,57
11-12.	5,99	4,17	4,8	-1,19		-0,63		0,91	1,94
12-13.	4,80	4,17	4,8	0,00		-0,63		0,91	1,31
13-14.	4,82	4,17	4,8	-0,02		-0,63		0,89	0,68
14-15.	5,28	4,17	4,8	-0,48		-0,63		0,41	0,05
15-16.	5,78	4,17	4,8	-0,98		-0,63		-0,57	-0,58
16-17.	5,74	4,16	4,8	-0,94		-0,64		-1,51	-1,22
17-18.	5,22	4,16	4,8	-0,42		-0,64		-1,93	-1,86
18-19.	4,76	4,16	4,8	0,04		-0,64		-1,89	-2,5
19-20.	4,30	4,16	4,8	0,50		-0,64		-1,40	-3,14
20-21.	3,83	4,16	4,8	0,97		-0,64		-0,43	-3,78
21-22.	3,52	4,16	2,9	-0,62		1,26		-1,05	-2,52
22-23.	2,60	4,16	2,9	0,30		1,26		-0,75	-1,26
23-24.	2,15	4,16	2,9	0,75		1,26		0,00	0,00

Jami	100,000	100	100					
------	---------	-----	-----	--	--	--	--	--

Амалдан марказдан қочма кучлар асосида ишловчи насослар танланганда унинг ўз-ўзини бошқарувчанлик хусусиятини ҳисобга олган ҳолда СБМ нинг бошқарувчи хажмини , у тармоқ бошида жойлашган бўлса **10-15% га ва 30-40 %** контрхавза бўлган ҳолда камайтиришга рухсат берилади.

Сув босим минорасининг тўла ҳажми қўйидаги ифода орқали аниқланади.

$$Q_{тұла}^{СБМ}=Q_{бөлу}+Q_{еңгиз}=129,13+1`8=147,13 \text{ м}^3$$

Бу ерда:  $Q_{бөлу}$  - бошқарув ҳажм;  $=5,87*22006,5=129,13\text{м}^3$

$Q_{еңгиз}$  - ёнгинга қарши 10 минутлик захира сув миқдори, л/с

$$Q_{еңгиз}=\frac{(q_{мак}+q_{чеки})\cdot 1060}{1000}=18,0 \text{ м}^3$$

Бу ерда:  $q_{мак}$  - ташқи ёнгинни ўчириш учун сарфланадиган сув миқдори, л/сек.

Бу кўрсатгич аҳоли сонига ва биноларнинг каватлилигига боғлик ҳолда ҚМ ва К нинг 2.11 ва 2.14 бандлари кўрсатгичларига биноан қабул қилинади.

Ички ёнгинни ўчириш учун сарфланадиган сув 2,5 л/сек миқдорида қабул қилиниб у икки ёнгин оқимдан иборат бўлади ( $2 \times 2,5=5$  л/сек).

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, СБМ нинг тўла ҳажми топилиб 2-иловадаги кўрсатгичлар асосида сув босим минорасининг бошқа ўлчамлари танланади.

Тоза сув ҳавзасининг тўла ҳажми қўйдагича аниқланади:

$$Q_{тұла}^{пех}=Q_{бөлу}+Q_{еңгиз}+Q_{мак}^{хуж}+Q_{узист}-Q_{нас}:=228,3+54+3947+132-91,8=4421,3-91,8=4330 \text{ м}^3$$

Бу ерда:  $Q_{бөлу}$  - ТСХнинг бошқарувчи ҳажми  $= 288,3 \text{ м}^3$  ;

$Q_{еңгиз}$  - ёнгинга қарши сақланадиган захира сув миқдори,  $\text{м}^3$  ;

$$Q_{еңгиз}=\frac{3\cdot n\cdot q_{мак}\cdot 6060}{1000}=54 \text{ м}^3;$$

Бу ерда:  $n$ - бир вақтда рўй берадиган ёнгинлар чиқиш эҳтимоли сони.=2

Бу ҚМ ва К кўрсатмаларга асосан қабул қилинади.

$Q_{мак}^{хуж}$  - энг катта уч соатдаги хўжалик истеъмоли учун сақланадиган захира сув миқдори,  $\text{м}^3$  (7 жадвалдан олинади).= $1314*3=3947,0$

$Q_{узист}$ - сув таъминоти тизимининг ўзига сарфланадиган сувнинг миқдори, максимал суткадаги сув миқдоридан 6 – 8 фоиз ҳисобида қабул қилинади.= $132,04$

## **СУВ ТАРМОҒИНИНГ ИШЛАШ ТАРТИБИНИ АНИҚЛАШ**

Босимли сув ўтказувчи қувурлар (водовод) ва магистрал сув тармоғининг гидравлик ҳисоботидан мақсад қувурнинг диаметри ва ундаги босимнинг йуқолиш қийматларини аниқлашдан иборат. Лойиҳада қабул қилинган сув таъминотининг тасвири асосида босимли сув ўтказувчи қувурлар ва магистрал қувурлар тармоғи ишлаганда ўзи хос характерга эга иш тартиби ҳисобланishi керак, яъни қувурлар сув босим минораси тармоқ бошида жойлашган бўлса тармоқ қуидаги икки характерли ҳолларда ҳисобланishi керак:

- а)** Максимал сув истеъмоли соатидаги сув миқдорини ҳисобга олиб;
- б)** Максимал сув истеъмоли соатида содир бўладиган ёнгинни ўчириш учун кетадиган сув миқдорини ҳисобга олиб.

Сув босим минораси тармоқ охирида жойлашган бўлса, (контр хавза) З та характерли ҳолларда ҳисобланади:

- а)** Максимал сув истеъмоли соатидаги сув миқдорини ҳисобга олган ҳолда,
- б)** Контр ҳавзага сувнинг максимал транзити (кириши) вақтини ҳисобга олган ҳолда.
- в)** Максимал сув истеъмоли соатида содир бўладиган ёнгинни ўчириш учун кетадиган сув миқдорини ҳисобга олиб.

## **ҚУВУРЛАРНИНГ МАТЕРИАЛИНИ ТАНЛАШ.**

Босимли сув ўтказувчи қувурлар, магистрал ва тарқатувчи тармокдаги қувурларнинг материали улардаги ички босимнинг қийматига, тупроқ шароитига ва ишончлилик даражасини ошириш учун қуилган талабларни бажарилишига боғлик ҳолда танланади.

Қувурлар материалини туғри танлашда ҚМ ваҚ кўрсатмалари тўлиқ ҳисобга олиниши керак. Диплом лойиҳасида биз пўлат қувур танладик.

## **СУВ ТАРМОҒИНИ ГИДРАВЛИК ҲИСОБГА ТАЙЁРЛАШ.**

Сув тармоғи ҳалқа тугунлар билан чегараланган қисмларга бўлинади. Тугунлар, магистрал қуврулар қушилган магистрал тармоқ билан босимли сув ўтказувчи қувурлар уланган жойларда, саноат корхоналарига сув бериладиган ва СБМ жойлашган ерларда қуилади. Тугунлар орасидаги масофа 500-1500 м оралиғида бўлмоғи керак. Сув тармоғининг узунлиги 1500 метрдан ошганда бу қисм масофалари бир-бирига teng икки бўлакка бўлиниб ҳисобланадиган яна бир тугун ўтказилади. Тармоқ қисмларга бўлиб чиқилгандан кейин тугунлар сонлар билан белгиланиб ва улар орасидаги масофалар ёзиб чиқилади. Ҳар бир ҳосил бўлган ҳалқада 4 тадан 6 тагача тугун ҳосил бўлади.

Кўрғондаги алоҳида қисмлардаги қувурларнинг узунликларини топиламиз.. Тармоқ узунлигига насос станциясидан тармоқгача бўлган босимли сув ўтказиш

кувури, сув босим минораси қувури ва саноат корхоналарига борадиган тармоқ узунликлари ҳисобга олинмайди.

Бундан ташқари, қувирлар дараҳт, гулзорлар буйлаб, қурилиш бўлмаган, жойларда табиий ва сунъий тўсиқларидан олиб утилганда ҳам унинг узунлиги ҳисобга олинмайди.

Кўргондаги тармоқларнинг умумий узунлиги

$$\sum h_{maxap} = \sum h_l + \sum h_I = 5107 \text{ м} ;$$

Солиштирма сув сарфлари яъни қувурларнинг ҳар бир ўлчам бирлигига кетадиган сув миқдори топилади:

$$q_{col}^I = \frac{q_{aev}^I + q_{kuch}^I + q_{o/e}^I}{\sum h_l} = 418,84 / 5107,8 = 0,08197 \text{ л/сек}$$

(максимал сув истеъмоли соатида суғориш ва сув сепиш ишлари олиб борилмайди).

Алоҳида қисмлардаги йўлда сарфланадиган сув миқдорлари топилади.

$$q_{iyul}^{1-2} = q_{col}^I \cdot \ell_{1-2} ; \text{ л/сек}$$

$$q_{iyul}^{2-3} = q_{col}^I \cdot \ell_{2-3} ; \text{ л/сек} \quad \text{ва хоказо}$$

Тугунларда сарфланадиган сув миқдорлари қуидаги формула орқали топилади ва жадвал шаклига киритиб аниқлаймиз.

	6-3.	1000	0,081974	81,97	
	6-5.	580	0,081974	47,54	
Jami					418,84

Ҳар бир олинган тартиб учун алоҳида тасвир танланади ва унга тугундаги, саноат корхоналардаги, босимли қувурлардаги (насос билан тармоқ орасидаги) ва СБМ гача бўлган қувурлари қуийб чиқилади.

Ёнгил содир вактдаги иш тартиби эса энг баланд, узоқ ва нокулай бўлган тугунларда ёнгин учун кетадиган сув миқдорлари қуийлади. Унда ёнгин содир бўлиш эҳтимоллари сони ҳисобга олиниши шарт.

Тасвирда ҳар бир қисмда сув харакати йўналишлари қуиилиб дастлабки сувни таркатиш ишлари амалга оширилади. Шуни назарда тутиш керакки, тугунга кирадиган сувнинг микдори тугундан чиқадиган сувнинг микдорига тенг бўлиши керак, ёки ҳар бир тугунда

$$\sum q=0$$

тенглиги сақланиши керак.

Қўрғон сув тармоғини сув билан таъминлаш учун насос станциясидан сув тармоғига икки босимли сув утказгич орқали сув юборилади. Бу қувурлар магистрал тармоқнинг икки тугунига тутуштирилади ва ўзига хос ҳалқа ҳосил қиалади. Сув тармоғининг бу ҳалқаси ҳам сув сарфига нисбатан гидравлик боғланган бўлиши керак.

## ТАРМОҚ ҚУВУРЛАРНИНГ ДИАМЕТРИНИ АНИҚЛАШ.

Тармоқ қисмлари бўйлаб сувнинг дастлабки тақсимлаш ишлари бажарилгандан кейин қувурлар диаметри аниқланади. Диаметрни аниқлаш учун ҚМвАҚ талаблари асосида қувир магистрални ва унга боғлик ҳолда иқтисодий омилини инобатга олган ҳолда аниқланади.

Диплом лойиха ишида қувур диаметрини аниқлаш учун топилган сув сарфлари асосида (4) кўрсатмалардан фойдаланиб топилади.

## ХАЛҚАСИМОН ТАРМОҚНИНГ ГИДРАВЛИК ҲИСОБИ.

Халқасимон тармоқнинг гидравлик ҳисобини бажаришдан асосий мақсад, тармоқ қисмларида харакатланаётган сувнинг ҳақиқий сарфини ва шунга мос ҳолда қувурларда йуқолган босимни аниқлашдан иборатdir. Тармоқда дастлабки тақсимланган сув сарфи гидравлик ҳисоблаш давомида ўзининг микдорини ва йўналишини бир неча бор ўзгартириши мумкин. Бу ўзгаришлар қуидаги шартни бажарилишини талаб қиласди:

$$\sum h_{i-k} = \sum S_{i-k} \cdot q_{i-k}^\beta = 0$$

Юқоридаги шартнинг моҳияти шундан иборатки, ҳалқасимон тармоқнинг қисмларида йўналишлар буйича сув сарфининг таксимоти тенг бўлиши керак.

Маълумки, дастлабки тақсимланиш натижасида ҳалқасимон тармоқда  $\sum h=0$  шарт бирданига бажарилмайди. Натижада  $\sum h=\Delta h$  яъни  $\Delta h \neq 0$  келиб чиқади. Бу ерда  $\Delta h$  ҳалқа босим йуқолишининг «боғланмаслик» кўрсаткичидир. Бу қўрсаткичининг қийматини қамайтириш максадида тармоқ қисмлари бўйлаб сувни бир неча марта қайта тақсимлаш ишлари бажарилади. Агар тармоқ бир неча ҳалқадан иборат бўлса (25) шартнинг бажарилиши мураккаблашади. Шу сабабли  $\Delta h_{pyx} \leq 0,5$  м (ёнгин содир бўлган вақтда  $\Delta h \leq 1,0$  м) чагаравий шартининг усуллардан фойланган ҳолда ҳисоблаш олиб борилади. бажарилиши учун етарли ҳисобланади.

Тармоқ ҳалқаларини «ўзаро боғланиш шартини бир йўла барча ҳалқалар учун бажарилиши таъминлашда

Ҳисоб ишлари жадвал кўринишда бажарилади ва тузатиш сув сарфининг қиймати  $\Delta q$  қўйидаги ифодадан фойдаланиб аниқланади.

$$\Delta q_x = -\frac{\frac{+\Delta h}{2 \sum S_q}}{S_q}, \text{ л/с}$$

Бу ерда  $\Delta q_x$ - ҳалқадаги тузатиш сарфи л/с.

$\Delta h$  - ҳалқадаги «боғланмасликка» сабаб бўлган йўқолган босимнинг қиймати, м;

$\sum S_q$ - ҳалқа қисмларидаги қаршилик ва сув сарфининг кўпайтмалари йифиндиси;

Тармоқ ҳалқаларини сув сарфи бўйича «боғлаш» да қўйидаги талаблар бажарилади:

1. Ҳалқадаги сув харакат йўналиши соат мили йўналишига мос бўлса қувурда йўқолган босимнинг ишораси «+», тескари бўлса «-» деб қабул қилинади.
2. Йўқолган босимнинг «боғланмаган» қиймати ҳалқадаги барча қисмларда йўқолган босимларнинг алгебраик йифиндиси кўринишида аниқланади.
3.  $S_q$  кўпайтмасининг ишораси хамиша мусбат булади.
4. Сув сарфи бўйича тузатиш  $\Delta q_x$  (26) ифода орқали аниқланади.
5. Қисмдаги тузатиш сув сарфини  $\Delta q_k$  ишораси сувнинг харакат йўналишига боғлик ҳолда қўйидагича қабул қилинади:
  - а) агар қайси йўналишдаги босим йўқолиши ҳисобига  $\sum h = \Delta h$  бўлса шу йўналишдаги сув сарфидан  $\Delta q$  тузатиш сув сарфи олинниб, тескари йўналишга кўшилади;
  - б) икки ҳалқа чегарасида ётган қисмлар учун тузатиш сарфлари алгебраик йифиндисидан аникланди.

Юқоридаги тартибда ўзгартирилган сув сарфи  $(q_k + \Delta q_k)$  яъни тузатиш учун гидравлик ҳисоб бажарилади. Тузатишлар сони рухсат этилган  $\sum h_{\text{рухс}}$  қийматга етгунча давом эттириллади:

Лойиҳ ишимиздаги ҳалқасимон сув тармоқларининг гидравлик ҳисоби проф. В.Г.Лобачев усули бўйича қўйидаги тартибда бажарилади:

- а) дастлабки тақсимланган сувнинг қисмларидаги сарфи  $q$  ва шу сарфига мос келадиган қувур диаметри  $d$  га боғлик ҳолда сувнинг тезлиги  $V$  [4] дан аниқланади;
- б) қабул қилинган қувур учун солиштирма қаршилик  $S_0$  ва айрим ҳолларда тезликка боғлик бўлган тузатиш коэффициенти  $\delta$  аниқланади;
- в) тармоқнинг ҳар бир қисми учун қаршилик  $S = S_0 \cdot l \cdot \delta$  аниқланди. Бу ерда,  $l$  - қисм узунлиги, қаршилик  $S$  га боғлик ҳолда  $Sq$  ва  $h = Sq^2$  йўқолган босим топилади.

Йүқолган босим  $h = Sq^2$  ва  $h = 1000 i \cdot l$  ифодалар ёрдамида ҳам аниқланиши мумкин.

Г) тармоқнинг ҳар бир ҳалқаси учун  $\sum S_q$  арифметик йигинди (ишораларсиз) ва  $\sum h = \sum S q$  алгебраик йигинди ҳисобланади. Ҳисоблашлар натижасида йүқолган босим бўйича ҳалқадаги боғланмаслик кўрсаткичи  $\Delta h = \sum (+h) + \sum (-h)$  топилади. Тармоқ ҳалқалари ва ҳар бир ҳалқада сув сарфи ҳамда йүқолган босим бўйича боғланиш, дастлабки ҳисоблаш натижасида талабга жавоб бермайди. Шу сабабли қайта ҳисоблашлар қисмдаги сув сарфига  $\Delta q$  тузатиш киритиш йўли билан бажарилади. Ҳалқаларда ва бутун тармоқда босим йүқолиши бўйича боғланишни чегаравий қийматлари қуидагича;  $\Delta h_x \leq 0,5m, \Delta h \leq 1,0$ .

Юқоридаги шартлар бажарилганда тармоқнинг гидравлик ҳисоби тўхтатилади.

## 8 – Жадвал

### Сув тармоқларининг гидравлик ҳисоблаш

T/P	Участка	Узунлик	Сув сарфи	Диаметр	Тезлик	Сол каршилик	Коэффициент	S	S*q	H=S*q <sup>2</sup>
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1	1-2;	600	175,02	400	1,17	0,4151	0,968	0,000241	0,04220	7,39
	2-3;	630	110,26	350	1,08	1,527	0,994	0,000956	0,10543	11,63
	3-6;	1000	14,80	150	1,25	8,349	0,982	0,008199	0,12134	1,80
	6-1;	950	207,80	400	1,19	0,4151	0,986	0,000389	0,08080	16,79
2	6-3.	1000	14,80	150	1,25	8,349	0,982	0,008199	0,12134	1,80
	3-4.	540	31,2	200	1,15	5,023	0,998	0,002707	0,08446	2,64
	5-4.	850	25,77	250	1,1	3,064	0,993	0,002586	0,06665	1,72
	6-5.	580	85,61	300	0,98	0,6187	1	0,000359	0,03072	2,63

### СУВ ТАРКАТИШ ТАРМОГИ ЖИХОЗЛАРНИНГ ЎЗАРО УЛANIШИ.

Диплом лойиҳасида битта ҳалқа учун жихозлар, қувурлар ва уларни ўзаро уланиш шакли (деталировка) тузилади. Бу шаклни тузиш учун тармоқ қисмларида қайси жихозлар ишлатилиши, уларни ўлчамлари ва сони аниқланди. Бу жихозлар ўз тартиб рақамларига қараб жихозлар рўйхатига киритилади.

Жихозларни ўланиш шакли, қуидаги кетма кетлиқда тузилиши мумкин:

1. Ҳалка гидравлик ҳисоби натижаларига асосан ундаги қувирларнинг ўлчамлари ёзилади.
2. Ҳар бир қисмда жойлашган ёнгин гидрантлари жойлашган нуқталар аниқланади. Эслатма ёнгин гидрантлари орасидаги масофа 150 м дан катта бўлмаслиги керак.
3. Тармоқнинг ҳар бир тугунида силжима қопқоқлар ўрни белгиланади. Ҳар бир силжима қопқоқ тармоқдаги бештагача ёнгин гидрантининг ишини бошқариши керак.
4. Тармоқдаги асосий қудуқлар асосий тарқатувчи қисмлар кесишув нуқталарида жойлашади.
5. Ҳалқадаги ҳар бир тугуни учун жихозлар (силжима қопқоқ, тройник, ўтиш ва қувурлар) танланади ва уларнинг ўлчамли шакли чизилади.
6. Натижада қаралаётган ҳалқа учун бўлған қудуқлар сони ва ўлчамлари аниқланди.

Адабиётлар.

- КМвАК 2.04.02 -97 Сув таъминоти. Ташки тармоқлар ва иншоотлар.  
Тошкент 1997й.
1. Тугай А.М., Терновцев В.Е. Водоснабжение. Курсовое проектирование.  
К., Вышая школа, 1980-208с.

2. Белан А.Е., Хоружий П.Д. Проектирование и расчет устройств водоснабжения. К., «Будивельник», 1976г.
3. Шевелев Ф.А. Таблицы для гидравлического расчета напорных железобетонных водопроводных труб. К., «Будевильник». 1975.
4. Москвитин А.С. и др. Справочник по специальным работам. Трубы арматуры и оборудование водопроводно-канализационных сооружений. М., Стройиздат, 1976г.
5. Абрамов Н.Н. Водоснабжение, М., Стройиздат, 1987г.
6. Абрамов Н.Н, Поспелова М.М.и др. Расчет водопроводных сетей. М., Стройиздат, 1976г.
7. Басс Г.М. и др. Водоснабжение. Технико-экономические расчеты. К., «Вышая школа», 1977г.
8. С.С.Сайдов “Сув узатиш ва тарқатиш тармоқлари” фанидан курс лойиҳасини бажариш учун услубий кўрсатма Самарқанд 2015 й

# “Теракзор” кўрғонининг сув қабул қилиш иншоотларининг хисоботи

Сув манбасини ўрганиш ва фойдаланишга лаёқатли эканлигини аниклаш.

Халқ хўжалигининг барча соҳаларида ер ости сувлари мухим аҳамиятга эгадир. Улар тозалиги, оқава ва атмосфера сувларидан табиий муҳофаза қилинганини, нисбатан паст ва деярли ўзгармас ҳароратга эгалиги туфайли ер усти сувларидан устун туради.

Ер ости сув манбаларини ўрганишда аввало ўрнашган жойи ёки худудий геологик шароити ўрганилади. Агар жой кўрсаткичлари талабга жавоб берса, санитария-эпидемиология хизмати идораларининг руҳсати билан сув манбаси фойдаланишга яроқли деб топилади.

Ер ости сувларининг асосан, ахоли истеъмолига ишлатилишини ҳисобга олсак, бу ҳолда манбадан олинаётган сувнинг сифати кўрсатгичлари Давлат стандарти 950: 2011 “Ичимлик суви гигиениқ талаблар” “Ичимлик суви” талабларига жавоб бериши керак. Ичимлик сувларининг сифати қўйидаги физикавий ва кимёвий кўрсатгичлар билан баҳоланади:

Тиниқлиги, ранги, хиди, таъми, ҳарорати, қаттиқлиги, минерал тузлар миқдори ва хоказо. Агар ер ости сувлари шу талабларга тўла жавоб берса сув қабул қилиш иншоотлари насослар билан жихозланиб сув тўғридан тўғри истеъмолчиларга узатилади.

Агарда юқорида қайд этилган кўрсатгичлардан баъзилари ичимлик сувлари талабига жавоб бермаса, унда сув тозалаш ёки ишлов бериш учун юборилади. Бу ҳолда сув қабул қилиш иншоотлари сув таъминоти тизимида сув кўтариб бериш вазифасини бажаради, бу эса насослар танлашда мухим аҳамиятга эгадир.

### **Сув қабул қилиш иншоотлари қуриладиган жойнинг геологик ва гидрогеологик тавсифи.**

Сув қабул қилиш иншоотларининг қурилмалари ўрнатиладиган жой геологик, гидрогеологик шароитларига ва бурғулаш услубларига боғлиқ ҳолда танланади. Жойнинг геологик кесимини ўрганишда литологик шархи билан биргаликда жинсларнинг бурғуланиш бўйича тоифалари ҳам кўрсатилиб, сувли катламлар алоҳида ўрганилади.

Бу катламларни асосий кўрсаткичлари уларни қайси жинслардан ташкил топганлиги, сув ўтказувчанлиги, сув бериш кобиляти, калинлиги ва қатламдаги сувнинг босимидан иборат. Агар шу жойда сув бериши мумкин бўлган бир неча қатлам мавжуд бўлса, уларнинг қайси биридан фойдаланиш самарали эканлигини асослаш керак. Баъзи холларда бир катламни сув бериш даражаси истеъмолчи талабини қониктирмаса қудук чуқурлигини ошириш ҳисобидан битта қудук ёрдамида бир нечта катламдан фойдаланиш ҳам мумкин.

Бу эса иқтисодий ва экологик нуқтаи назардан асослаб берилиши шарт.

Жойни хар томонлама ўрганиб чиқилгандан сўнг, сув қабул қилувчи иншоотнинг тури танланади. Иншоотларнинг тури, уларнинг тасвирлари [2.3.5]да кўрсатилган асосий талабларга жавоб берган ҳолда тузилади ва қисмларида жихозлар танланиб, уларнинг ҳисоботи олиб борилади.

### **Сув қабул қилиш иншоотлари учун фильтрлар танлаш, асослаш ва уларни ҳисоби.**

Сув берувчи қатламни ташкил этган жинсларнинг хоссалари ва унинг юқоридаги ва пастдан қандай қатламлар билан чегараланганлигига қараб қудуқлар фильтрсиз ёки фильтрлар билан жихозланган бўлиши мумкин. Сув берувчи қатлам мустахкам қоятошлардан ва жуда майда чангсимон кум заррачаларидан ташкил топган ва уларнинг сув ўтказувчанилиги етарли даражада бўлса, қудуқлар фильтрсиз қурилиши мумкин. Бундай қудуқлар бургулаш тугагандан кейин синовдан ўтказилиб фойдаланишга топширилади. Бошқа ҳолларда қудуқлар фильтрлар б'илан жихозланган бўлиши шарт. Фильтрларнинг тури, тузилиши асосан жойнинг гидрогеологик тавсифига, қудук дебитига, ундан фойдаланиш тартибига, сув берувчи қатлам жинсларининг хоссаларига, қудуқнинг чуқурлигига, сувни физикавий ва кимёвий хоссаларига боғлиқ холда танланади. Фильтрларга қўйилган асосий талаблар ва шу талаблар асосида танланадиган фильтрларнинг турлари [2, 3] да келтирилган.

Фильтрлар ҳисоби асосан уларни узунлиги ва диаметрини турига қараб аниқлашдан иборат. Бу ҳисобларни олиб боришда  $Q_t$  - истеъмолчи талаб килаётган сув сарфи бошланғич кўрсаткич бўлиб хизмат килади.

Умумий хол учун қўйидаги тенгизлилар ўринлидир:

$$Q_t \leq F * V_\phi, \text{ м}^3/\text{с};$$

бу ерда:  $F$  - фильтрнинг фойдали сирт юзаси,  $\text{м}^2$ ;  $V_\phi$  -ер ости сувларининг фильтрдан ўтиш тезлиги; бу кўрсаткич фильтрларни турига қараб куйдагича аниқланади;

а) блокли ва шағал катлами билан ўралган,-фильтрлар учун:

$$V_\phi = 1000 k(d_{50}/D_{50}) = 1000 \cdot 60,1 = 160 \text{ м}^3/\text{сут};$$

бу ерда:  $k$  - сизувчанилик коэффициенти, бу кўрсаткич қатламни ташкил этган жинснинг турига боғлиқ холда [2, 3] дан олинади.

$D_{50}$ - фильтр атрофига тўқилган жинс таркибидаги шундай заррачалар қатламики, ундан кичиклари шу жинс хажмининг 50 фоизини ташкил этади.

$d_{50}$ -худди шундай, сув берувчи қатламда.

Шундай килиб,  $F = Q_t/V_\phi = 7407,91/1600 = 4,63 \text{ м}^2$  эканлигини ҳисобга олиб, фильтр узунлиги қуйдаги ифода орқали аниқланади.

$$l_\phi = \frac{F}{\pi \cdot D_\phi} = \frac{4,63}{3,14 \cdot 0,3} = \frac{4,63}{0,952} = 4,68 \text{ м}$$

бу ерда:  $D_\phi$  - фильтр диаметри, унинг қиймати қудук диаметрига боғлиқ холда аниқланади.

